

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЯШАСИН 1 МАЙ!



Р. ШОЖАЛИЛОВ коллажи

**КПСС Марказий
Комитети Сиёсий
бюросида**

Партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг сиёсий ва идеологик иш савиясини, айниқса ёшлар ўртасидаги ана шундай иш савиясини ошириш, социал-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим масалалари — уй-жой қурилиши, савдо хизмати ва маиший хизматни яхшилаш, атроф

(Давомн 2-бетда).

Яшасин меҳнаткашларнинг
халқаро бирдамлик куни —
1 М а й!

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

олгонлар, хуш келибсиз.
Дўстлик номин ардоқладик,
улуғладик азалдан.
Қардошликка юраклари
ошёнлар, хуш келибсиз.
Бирдамликнинг туғи элвон
қўяларингда эй, Ашур.
Шодлигидан буюн боши
осмонлар, хуш келибсиз.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН

Чирчиқ пойабзал фабрикаси мамлакатимизнинг жажжи граждaнлaри учун оёқ кийимлaри ишлaб чиқaришгa

яхтисослашган. Коллектив йил бошidan бери бир маромда ишламоқда. Давлат плавлари муттасил ошириб адо этиляпти. Меҳнаткашларнинг халқро бирдамлик куні ҳам муносиви нишонланди. Интернационал коллектив йил бошidan бери плавдагидан ташкари 25 минг жуфт-

дан ортиқ пойабзал тайёрлади ва савдо таъшилотларига етказиб берди. Маҳсулотнинг қатор янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва уларнинг дастлабки туркуми байрам арафасида харидорлар ҳукмига ҳавола этилди.

Э. РИЖИКОВА.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти ва илтимой фанлар академиясидан, ВЛКСМ Марказий Комитети, ВЦСПСдан, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасидан, бошқа давлат ва жамоат ташкилотларидан, илмий муассасалардан, айрим граждандардан тушган материаллар диққат билан ҳар томонлама ўрганилмоқда. Миллатлараро муносабатлар муаммоларини муҳокама қилиш мақсадида Минск, Тошкент, Тернополь ва Новосибирск шаҳарларида регионал илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

Бой материал тўпладилар, хилма-хил фикрлар айтилмоқда, шу жумладан, бир-бирига зид фикрлар ҳам бор, буларнинг ҳаммаси бўлажак Пленум қарорларининг концепциясини ш

лаб чиқишга имкон беради. Бу фикрлар СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар ҳуқуқларини кенгайтириш, мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларнинг эҳтиёжларини тўла қондириш, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллатлараро муносабатлар соҳасида салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратилган бир қанча қонуни ақтларига қўшимчалар ва ўзгаришлар тайёрлаш юзасидан иш йўналишларини белгилаб олишга имконият беради.

Фикрлар ва таклифлар нечоғли хилма-хил бўлмади, уларда бош ғоя — миллатлараро муносабатларини уйғунлаштириш қайта қуриш муваффақияти, социализмни мустаҳкамлашнинг ҳал этувчи омилларидан бири эканлиги аниқ-равшан ифодаланган.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети Пленуми ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан ишнинг давом эттирилиши топириди.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси Москва шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган 1990-1995 йилларга мўлжалланган Москванинг социалистик ривожлантиришнинг интенсиблиш «Прогресс-95» комплекс территориал-тармоқ программасини кўриб чиқди ва бу программанинг муҳимлигини таъкидлади. Программанинг социал йўналиши, уй-joy қурилишини жадаллаштириш, маънавий хизмат кўрсатишни ва соғлиқни сақлашни яхшилаш унинг ўзига хос хусусиятидир.

Программада корхоналар ва шаҳарини ривожлантириш мафзаатларини қўшиб олиб бориш назарда тутилган, бу эса бошқариш механизмининг

янада такомиллаштириш учун шароит яратди. Программа лойиҳасини ишлаб чиқишда меҳнат коллективлари асосий роль ўйнаган. Сиёсий бюро СССР Госпланига, министрликлар ва идораларга халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1990 йил ва ўн учинчи беш йиллик ланларини ишлаб чиқаришда программанинг топириқлари ва кўрсаткичларини эътиборга олишни тавсия этди.

Маҳсулот сифати ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунларига кўра, унга киритилган тузатишлар ва ўзгаришлар тўғрисида СССР Министрлар Советининг ахбороти инобатга олинди. Меҳнат коллективлари, жамоатчилик эълон қилинган ҳужжати қатта қизиқиш билан қўтиб олдилар ва умуман унинг асосий принципларини маъқулладилар, маъмур Қонун лойиҳаси маҳсулот сифатини тубдан ошириш ишини ташкил этиш ва граждандарни сифатли моллар, ишлар ва хизматлар билан таъминлашда уларнинг ҳуқуқлари самарали ҳимоя

қилинишини амалга ошириш учун принципиал аҳамиятга молик ғоят муҳим тадбир сифатида баҳолашмоқда.

Сиёсий бюро Н. Рижковнинг Люксембург мустақиллигининг 150 йилдиги муносабати билан ўтказилган тадбирларда қатнашиш учун шу мамлакатга қилган сафарни якунлари тўғрисидаги ахборотини тинглади, ушбу сафар чоғида Люксембургнинг давлат ва сиёсат арбоблари билан, шунингдек Австрия, Буюк Британия, ГФР, Франция, Нидерландия ҳукуматларининг бошқилари, БМТ Бош секретари, Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг раиси билан учрашувлар бўлди. СССРнинг Европада тинч ривожланиш манфаатларини кўзлаб сиёсий мулоқот ва ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, бир-бирига қарама-қарши бўлган блоклар ўртасидаги муқофиллик даражасини камайтириб боравериш йўли тасдиқланди. Турли соҳаларда Совет-Люксембург муносабатларини ривожлантиришнинг, иккала мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларини мустаҳкамлашнинг фойдали аҳамияти таъкидланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

27 апрель куни партия-ҳўжалик активларнинг кенг иштирокида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлиси бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг якунлари тўғрисида ахборот берди.

Бюро мажлисида республикада антисоциал кўринишларнинг олдини олишни кучайтириш чоралари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Муҳокама чоғида таъкидлаб ўтилганидек, демократия ва ошкораликнинг ривожланиб бораётган жараёнлари одамларнинг ўзларини англашиш ўсиб, уларнинг илтимой ва сиёсий активлиги охиб бораётган бир пайтда ўтмоқда. Ташаббускор жамоат ташкилотлари ва норасмий бирлашмалар тузилмоқда. Уларнинг кўпчилиги қайта қуришни жадаллаштиришга кўмаклашмоқдалар, партия, совет ва ҳўжалик органлари билан куч-ғайратларини бирлаштирмоқдалар.

Аммо шундайлар ҳам борки, улар одамларнинг қайта қуриш жараёнида қатнашиш, жамиятнинг иқти

содий ва маънавий жиҳатдан янада соғломлаштиришга ўз хиссасини қўшиш йўлидаги соғлом муддаосидан ўз мақсадларида фойдаланиб қоллишга уринмоқдалар. Бундай гуруҳларнинг жижжак раҳбарлари кишиларни оммавий намойишларга мутасил гиж-гижлаб, унинг оқибатларини ўйламайишлар, ҳар қандай соғлом масъулиятни зиммаларидан соқит қилмоқдалар.

Республика меҳнаткашлари хат орқали ва оғзаки муносабатларда экстремистик кайфиятлар пайдо бўлаётгани хусусида ташвиш билдиришмоқдалар, буларни хатарли ҳол деб билиб, олдини олиш чоралари кўрилишини илтимос қилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси Марказий Комитетнинг бўлимларидан, область, шаҳар ва район партия комитетларидан, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, кассаба союзлари ва комсомолдан чуқур ҳамда ўзини ўзи танқид руҳидаги таҳлил асосида интизомни, ушқоқлиқ ва тартибни қатъиян мустаҳкамлаш, республикада антисоциал кўринишларга қарши ҳаракатларни кучайтириш юза

сидан туб, конкрет ишларни амалга оширишни талаб қилди.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорнинг тексти ва белгиланаётган конкрет чора-тадбирлар қйин вақт ичида матбуотда эълон қилинади.

Мажлисида Тошкент шаҳар Киров ва Октябрь район партия комитетларининг қайта қуриш шароитидаги ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти кўриб чиқилди. Маъмур партия комитетлари, кўпгина бошланғич ташкилотлар ишда амалий фаолиятини кучайтириб, конкрет вазифаларни ҳал этишга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Шу асосда коллективларини социал-иқтисодий ривожлантиришда баъзи ижобий силжишларга эришилди, маънавий вазият соғломлаштирилмоқда.

Шу билан бирга район партия комитетлари ва уларнинг биринчи секретарлари М. М. Умарова билан Х. С. Орипов ўртоқларининг иш услубида яна ҳам чуқурак ўзгаришлар бўлиши талаб этилади. Район партия комитетлари коммунистларнинг ҳисобот-сайлов ййи

липлари ва конференцияларида айтган танқидий фикр-мулоҳазаларини рўйб-га чиқариш борасида амалий ишларни авж олдиришлар, одамларнинг ғоят хилма-хил моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга бевосита дахлдор масалаларни ҳал этишда сиёсий фаолиятининг самарали шакллари излаб топишда сусткашлик қилмоқдалар. Кадрлар сиёсатида анкета-номеклатура асосида ёндашиш бартараф этилмаган, аппарат ходимларида, идеология активларида демократияш ҳамда ошкоралик шароитида ҳаракат қилиш маҳорати ва малакаси ҳосил қилинмапти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Киров ва Октябрь район партия комитетларининг, уларнинг бюроси, шахсан биринчи секретарларининг диққат-эътиборини ўз умрини ўтаб бўлган усуллардан халос бўлиш, партиявий-сиёсий ишларнинг форма ва методларини яна ҳам қатъийроқ қайта қуриш ҳамда бу ишларни КПСС Бутуниттифоқ XIX конференциясининг талабларига мувофиқ ўтказиш зарурлигига қаратди.

Республикада кадрлар сиёсатини такомиллаштиришга доир баъзи амалий тадбирлар қаҳидаги қарор қандай бажарилаётганини кўриб чиқилди. Республика агроноат комплексини бошқариш системасини қайта қуриш мақсадида, КПСС Марказий Комитети 1989 йил

март Пленумининг раҳбарлигининг буйруқ-боилки-маъмурий усулларини, ҳўжалик фаолиятига юқоридан аралашувни батамом тутатиш тўғрисидаги талабларига амал қилиб, бюро мажлисида республика агроноат комплексини бошқаришни қайта ташкил этиш билан боғлиқ йўналишларни ишлаб чиқиш учун комиссия тузилди. Комиссияга жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда барча босқичлардаги агроноат комплексини бошқариш системасини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш топириди.

Марказий Комитет бюроси Олот, Бўз, Қорин, Чортоқ, Қўшработ, Ёзёнов, Нукус районларини аввалги чегараларида қайта тиклаш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Қизилтепа, Томди, Учқудуқ, Қонимех, Навоий районларини ҳамда Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларини Самарқанд областидан Бухоро областига ўтказиш тўғрисидаги таклиф кўриб чиқилди.

Масалани узил-кесил ҳал этиш учун тегишли материаллар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига топириди.

Бюро мажлисида уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг республика Хотира китобини нашр этиш тўғрисидаги таклифларни қабул қилини, шунингдек илтимой-сиёсий ва социал ҳаракатдаги бошқа масалалар кўриб чиқилди.

ВАСВАСАНИ ЖИЛОВЛАБ ҚЎЯЙЛИК

ТОШКЕНТ ОЛИЙ МАКТАБ ШАҲАРЧАСИДАГИ МОЖАРОЛАР ТЎҒРИСИДА

УзТАГ мухбири Ўзбекистон ССР Ички ишлари министри У. С. Раҳимов билан суҳбатлашди.

— Учқун Содиқович, ўтган шанба кунини олий мактаб шаҳарчасида содир бўлган воқеалар хусусида шаҳар аҳолисига, умуман республика аҳолисига ҳам батафсилроқ гапириб берсангиз, чуқик ақл бовар қилмайдиган киш-мишлар ва овозлар тарқалиб кетди, ҳамма нуфузли идора вакилларидан ана шу моҳаролар қаҳида таинили гап эшитишни истайди.

— 22 апрель кунини кеч соат 11 яримга яқин Собир Раҳимов район ички ишлар бўлимининг навбатчи қисмига Тошкент давлат университетини яқинидаги олий мактаб шаҳарчасида моҳаро чиққанлиги тўғрисида хабар қилинди. Дарҳол ўша ерга милиция ходимлари

жўнаб кетишди ва уларнинг куч-ғайрати билан тартиб ўрнатилди. Дастлабки натижаларга синчков назар соладиган бўлсак, воқеа тафсилотлари аниқ-равшан кўринади.

Ҳеч қаерда ишламайдиган, 25 яшар М. Алкенова ва 45-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси, 23 яшар З. Тастанбекова ўша оқшом 85-ётоқхонага келишди ва қоровулдан, биз таниш чет эллик студентлар хонасига кирмоқчимиз, руҳсат беринг, деб талаб қилишди. Қоровул уларга ижозат бермади. Чунки, кеч соат 11 дарага яқинлашиб қолган эди. Ичиб олган шу икки аёл жанжал кўтаришди. Тўпалон бўлаётганини эшитишиб, қўшни ётоқхонадан бир гуруҳ студентлар келишди. Улар аёлларни ҳақорат қилишди.

— Кечирасиз, гапингизни бўлдим, лекин ҳозир Тошкент

да тарқалган миш-мишларга қараганда, гўё чет эллик студентлар шу аёлларни ҳақорат қилишган эмий!

— Йўқ, бундай эмас, уларнинг бизнинг студентларимиз ҳақорат қилишди. Бунинг устига, бир қанча ёшлар 85-ётоқхонага бостириб кириб, одамларнинг оромини бузишди, безорилик қилишиб, дараза-ойналарини синдиришди. Одамларнинг шахсий буюмларини ўғирлашди.

— Шу моҳарога бош бўлган студентлар аниқландими, уларнинг номларини айтиб беролмайсизми!

— Ҳа, булар Тошкент давлат университетининг тайёрлов бўлими ўқувчилари ва студентларидир, уларни ички ишлар органларининг ходимлари қўлга олишди. Тергов манфаатларини ўйлаб уларнинг исминини номма-ном тилга олиш

ҳозир мақсадга мувофиқ эмас. Аммо шунини айтишим керакики, моҳарода айбдор бўлган кишилар қонунга кўра жавобгарликка тортилди. Биз бу ҳақда яна хабар қиламиз.

— Ҳозир олий мактаб шаҳарчасида аҳвол қандай?

— Тинчлик-осойишталик дейишга тилим бормайди. Аммо, у ердаги вазият ишонч билан назорат қилиб турилибди, ўта безорилик ҳаракатлари бўлгани йўқ.

— Учқун Содиқович, фурсатдан фойдаланиб, ҳозир тошкентликлар ўртасида тарқалган бошқа миш-мишларини ҳам ойдинлаштириб берсангиз. 1 Май кунини Тошкентда қандайдир экстремистларнинг чиққилари бўлади, улар сочи қирқилган, қора пайпоқ кийган аёлларнинг соқини зуравонлик билан қирқиб ташлашди. Шу хотин-қизларга пи

чоқ билан тан жароҳати етказишди, деган овозлар юрибди.

— Биз воқеаларнинг боришини, илтимой ҳаётдаги ўзгаришларни эътибор билан кузатиб турибмиз. Аммо ихтиёрийликда бундай миш-мишларнинг заминини борлигидан далолат берувчи далиллар йўқ.

Тошкентдаги, умуман республикадаги вазият назорат қилинмоқда. Овозлар тарқатувчиларга келганда... бу борада ҳам иш олиб бормоқдамиз. Олий Совет Президиумининг 11 апрелдаги Фармони билан Ўзбекистон ССР жиноят кодексига киритилган қўшимчаларда айниқса, террорчилик, миллий нифок ва бошқа ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар бевосита тарғиб этилгани учун жавобгарлик назарда тутилган.

— Демак, байрам кўнларини осойишта ўтар эканда!

— Ҳарқалай, ички ишлар органларининг ходимлари граждандарнинг оромини бузишмаслиги учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

• Байрам суҳбатлари

КУЛАЙ ИМКОНЯТДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Тоҳир МАЛИК,

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар
союзи правленисининг
секретари:

— ҲОЗИР шундай бир даврда яшаймизки, ҳаёtimиз анча қизиқарли ва айни пайтда тобора мурракб бўлиб бормоқда. Баҳорнинг ақмили шабадаси эсиб, қўшининг ҳаёт-бахш эисиб кишиларга хуш экётган бир палла — тинчлик, дўстлик ва бирдамлик байрамида энг аввало, менинг кўз ўнгимда бу кунларга етолмай кетган халқимизнинг асл фарзандларининг қиёфалари жонланади. Жумладан, Абдулла Қодирий, Сўфизода, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Боту, Элбек... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Булардан ташқари, Аҳмад Яссавий ва Сўфий Оллоёв ижоди билан ҳам халқимизни таништириш зарур. Тўғри, репрессия қурбони бўлиб кетган ёзувчи ва шоирларнинг ижодини ўрганиш ва уларнинг асарларини нашр этиш борасида бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Бироқ бу ҳақда айтилаётган қимматли фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар кўпинча гапличка қолиб кетмоқда. Дейлик, биз Чўлпон тўғрисида роса жон куйдириб гапирдик. Оқир-оқибатда эса газета ва журналларда унинг бир қатор шеърлари ҳамда «Кеча ва кундуз» романи босилиб чиқиши билан тагин хотиржамликка берилдик. Шу кунларда Фафур Фулом номли адабиёт ва санъат нашриётида чоп этиладиган шоирнинг навбатдаги китоби пухта тайёрдланмаган, чала-чулпа ҳолда ётибди. Демократия, кўп гапиргувча самарали ишласак, яхши эмасми?

Кези келганда айтишим керакики, репрессия қурбонларининг умумлашма ҳайкаллари Тошкент шаҳрининг кўзга кўринарли ерига ўрнатилса ва у бизни маънавий хавфдан доим огоҳлантириб турса деб алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ман. Шунингдек, ёзувчи Абдулла Қодирий туғилган ўсган ва яшаган маҳаллани ҳам тўлалигича сақлаб қолиш ҳамда у ерда ижодкорга бағишлаб комплекс музей ташкил этиш мақсадаги мувофиқдор.

Хуллас, қилаётган ишлар, ечимини кутаётган муаммоларимиз кўп. Бу масалаларни ижобий ҳал этиш учун қайта қуриш ва ошкоралик берган қулай имкониятдан тўлалигича фойдаланишимиз даркор.

МАЙ КУНЛАРИДА

Қувончлари ошди
дилларининг.
Ғунчалари тошди
гулларининг.
Тупроқлари майини
йўлларининг
Май кунларида.
Сув бўйида кулар
ялпизлар.
Юрагида тугўни
ҳислар.

Сўқмоқларга бошлайди
излар
Май кунларида.
Қуёш жодир
дудоқлараро,
Ним пуштиранг
яноқлараро.
Ҳам мафтункор
қароқлараро.
Май кунларида.

Юксакларда учгим
келада,
Шабнамларни ичгим
келада.
Юлдузларни қучгим
келада
Май кунларида.
Ирмоқларга айланар
қорлар,
Диёнат бут, омон
борлар
Куйиб-ёниб яшашга
чорлар
Май кунларида.
Гулчехра ЙҮЛДОШЕВА.



ЯНГИЧА ЯШАШГА ДАЪВАТ

МИРМУҲСИН,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

ИНҚИЛОБИЙ қайта қуриш совет халқи, шу жумладан, қалам аҳлига ҳам кенг имкониятлар очиб берди. Ҳаққоний гапларни айтиш, ҳалоллик учун кураш, танқид учун татқиб этмаслик рўёбга чиқмоқда. Мабодо бундай ҳодисалар рўй бергудек бўлса, улар ўрта аср вахшийлиги деб қораланмоқда. Адолат ва тараққиёт учун катта йўл очилляпти. Бир пайтлар тўғри сўз учун ўтмишда шоир Ватват чопилган, Машраб бичилган, Насимийнинг териси шилинган. Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитрат каби халқимизнинг асл фарзандлари отилган. Инқилобий қайта қуриш ва демократия офтоби вужудимиздаги иллатларни куйдириб, бағримизни узоқ йиллик рутубатдан фориж қилмоқда. Деразаларимиз баҳор ва янгилашни шабадаларига ланг очилмоқда, тоғи насими хоналаримизга кириб келмоқда. Фақат қалам аҳли эмас, ҳамма соҳада илҳом билан меҳнат қилиш, янгилаш фикрлаш ва яшаш даври келди. Бу — бахтдир!

Шу ўринда каминани ҳаяжонга солиб келатган бир неча масалаларга тўхталмоқчиман. Биринчидан, пахтанинг харид нархини ошириш муаммоси тезда ҳал бўлиши керак. Бу фақат деҳқон учун ҳаётини масала бўлибгина қолмай, балки бутун халқимиз учун муҳимдир. Булардан ташқари, боғлар яратиш, озиқ-овқат ва чорва маҳсулотларини қўпайтириш ҳақида яқинда бўлиб ўтган қурултойда ҳаққоний гаплар айтилди. Тошкент облатинида бу борада гозат қудратли ишлар амалга ошириляётганлиги, халқ фаровонлиги йўлида муҳим чора-тадбирлар белгилаётганлиги бизга маълум. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва облатия партиясини ташкилотининг қалам аҳли ҳамда журналистлар билан яқиндан алоқада бўлаётгани бизга илҳом бермоқда. Ёзувчи пахта ва ер илмининг яхши биладиган алоҳида, аниқроғи, қишлоқ хўжалиги мутахассиси эмас. Аммо у деҳқон ва табиат дартини юракдан сезадиган, тингилли оладиган киши. Чунки у ўзининг кўп вақтини халқ орасида ўтказиб, бошқача айтганда, унинг илдизи халқ ичиде бўлганлиги сабабли, бу дарахтининг қайси шохига болта тегса илдизи зирқирайди. Шу маънода адиб халқ ташвишини четда туролмайди, у агар дадил мулоҳазалар айтганда экан бундан чўчимаслик керак. Шу босонда ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг ёзувчилар ва журналистлар билан тез-тез учрашиб турган бежиз эмас. Мен бундай мулоқотларнинг ҳосияти кўп, деб биларман.

Ернингизнинг тинчаси қуриб, қучсизлашиб бораётгани, унга кўп йиллар мобайнида эътиборсизлик билан муроабатда бўлганлигини академик Мирзаали Мухаммаджонов, партия ва давлат арбоби

Ориф Алимов, профессор Саид Усмонов, оқсоқол деҳқонларимиздан Мир-азиз Рўзиматов, Маҳмуд Исматов ва бошқалар жуда тўғри айтишди.

Ҳозирги кундаги долзарб масалалар ҳақида қалам аҳли ҳам ниҳоятда ҳаққоний ва зарур гапларни айтмоқда. Халқ адиби Оди Ёқубовнинг деҳқон қадр-қиммати ҳақидаги салмоқли фикрлари, Дадахон Нурийнинг табиат пок-лиги, адабиётшунос Пирмат Шермуха-медов, шоирлардан Мухаммад Солих ва Мирза Кенжабобоевларнинг тил ҳақидаги қуёниб ёзган мақолалари, Саид Аҳмадининг «Жимжитлик» романи, Шукрулло, Миразиз Аъзам, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хушид Даврон, Омон Матжон, Ойдин Ҳожиёва, Гулчехра Нуруллаева, Тоҳир Малик, Жамол Камол, Неъмат Аминов, Машраб Бобоев, Шукрул Холмирзаев ва бошқаларнинг илҳом билан яратган янги асарлари халқимиз меҳр-муҳаббатига сазовор бўлаётгани кишини бепп-ҳоя қувонтиради.

Кези келганда шунини айтишим керакики, она-заминимиз шидан чиқиб, қуч-қуввати йўқолиб, гиёҳланди ўша ҳолатнинг бундан йигирма йил аввал мен ўзимнинг «Умид» романимда рўй-рост айтгандим. Бу билан «биз турғунлик йилларида ҳақ ганини айтган эдик...» деб писанда қилаётганим йўқ, балки деҳқоннинг меҳнати ҳақидаги қадрлашмаётганлиги ачинганимдан гапирялман. Кечаги қурултойда Агабе-бия, деган каттақўрғонлик совхоз директори ёзувчиларнинг сўзига ишон-манглар, улар бизнинг ишимизга ара-лашмасин, деди. Бу менимча, мутлақо нотўғри фикр! Арашмасдан иложимиз йўқ, чунки биз халқимиз тақдирини билан алоқадор бўлган масалаларга бефарқ қарай олмаймиз.

Шу йилнинг 14 апрелида қардош Тожикистон ССР газеталари Тожикистон Совет Социалистик Республикасининг тил тўғрисидаги қонуни лойиҳасини эълон қилди. Унда тожик тили — Тожикистон республикасининг давлат тилидир, деб эъланиш билан бирга рус тили, ўзбек тили ва бошқа халқлар тил-ларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу — жуда катта воқеа! Тожик халқининг Рудакий, Саъдий, Ҳофиз, Хў-жандий, Садриддин Айний, Мирзо Турсунзода, Мирсандр Миршакар, Жа-лол Икромий, Лойик Шерали, Гул-рухсор Сафиева каби атоқли сўз санъат-корларини тилини яна ҳам ривожланти-ришга бундай қатъий бел боғлаганлиги, рус ва ўзбек тилларига нисбатан ҳам буюк эҳтироми мени бир адиб сифатида бениҳоя ҳаяжонга солди. Ҳар бир халқ

тилин ривожлантириш ва унинг мус-тақиллигини белгилаш партияимизнинг бугунги доно снэсати туфайли амалга ошмоқда. Шунинг учун мен бу кун-ларга етмаган устозларимизни армон билан эслайман.

Яна бир муҳим нарсга ҳақида ўз муло-ҳазамини айтиб ўтмоқчиман. Яқинда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газе-тасида талантли шоир Тоҳир Қаҳҳор-нинг «Исонни маърифат тарбиялай-ди» номли мақоласи босилди. Уни ўқир эканман, билими ниҳоятда пухта, адо-латга ташна янги бир авлод етишиб чи-қаётганлигини кўриб қувондим. Тари-химизни ўрганиш ҳақидаги унинг қу-ючаклик билан айтган фикрларига тўла қўшилиш, шундай билимдон ва журъатли ёшлар бор экан, биз улар бил-ан ҳар қанча фахрланасак арзийди.

Қайта қуриш, ошкоралик ва демократия даврида тарихини холис ва ҳалол ёритиш, унга марксча нуқтан назардан ёндашиш ҳар бир адиб ва тарихчининг вийждоний бурчидир. Халқимизнинг узоқ кечмиши ва меъморчилик маданиятидан далолат берувчи Регистон, Минарор Калон, Исмоил Сомоний, Улугбек расадхонаси каби тарихий маданий ёдгор-ликларни таъмирлаш учун катта маблағ сарфланяпти. Тошкентда ҳам ана шун-га ўхшаш ўндан ортқ қадимги меъ-морчилик обидалари бўларди. Минг афсуски, Шайхантахур, Қўқча, Бе-ларбеги, Қўқалдош ва Сақичмон ма-ҳалласидаги гўзал тарихий миноралар яқин ўтмишда бузиб ташланди. Мен болалигимда уларни ўз кўзим билан кўрганам учун бундай ёдгорликларга нисбатан қилинган ваҳшийликни асло кечира олмаман! Келажак авлод ҳам бунини кечирмасе керак. Шу маънода О. Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси», П. Қодировнинг «Юлдузли туналар» тари-хий романлари кейинги йилларда яра-тилган энг яхши асарлар бўлиб қолади.

Тарих ҳақида ҳар кетар экан, Амир Темурга тўғри ёндашиш зарурлигини эслатиб ўтмоқчиман. Бу жаҳонгир ҳа-қида чет элларда юзга яқин асарлар ёзилган. СССР, Италия, ГФР, АКШ ва Англия кино санъати усталари ҳамкор-ликда у ҳақда фильм яратилмоқда. Тў-ғри, унинг босқинчилик снэсатини тарих кечирмайди. Мовароуннахр, Хуросон ва яна қанча мамлакатларни бирлаштиргани, илм-маърифат, меъморчилик, адабиёт ва санъат тараққиётига йўл очганини қоралаб бўлмайди. Менимча, унга ба-ҳо берганда Наполеон, Иван Грознийга баҳо берилгани каби атрофияча ёнда-шиш зарур. Бу билан мен жаҳонгирни ҳимоя қилаётганим йўқ. Зотан, у ме-нинг ҳимоямга муҳтож ҳам эмас. Фа-қат бугунги кунда тўғри гапни айтиш керак, деган фикрданман, холос.

• Байрам суҳбатлари

ДЕПУТАТЛИК МАНДАТИ ИМТИЁЗ ВАРАҚАСИ ЭМАС

Дилбар ҚОСИМОВА,
Тошкент тўқимачилик
комбинатининг йигирув
фабрикаси ишчиси, СССР
халқ депутати

БАЙРАМ мазрузалари одат-да «муносиб туфҳа», «эри-гуллик совға» каби жанардор иборалар билан бошланарди. Айтаман десам менда ҳам шундай факт ва рақамлар то-

пилади. Чунончи, квартал планларини ошириб бажарганлиги-мизни шарҳлашим мумкин. Аммо ҳозир бунинг маъриди-микин?

Ижтимоий-снэсий ҳаётимиз-даги янгилашни жараёнлари эндиликда қамровни кенгроқ олишни, мушоҳадани жиддий-роқ, халқнинг қундалик тур-муши билан боғлиқ масала-ларга қаратишни тақозо эта-

ётир. Шу маънода бу йилги 1 Май менга ҳам қувонч, ҳам таъйиш олиб келди, десам бўлади. Қувончлиси шуки, ав-вало ўзимнинг қадрдон колле-ктивим, қолаверса, шаҳар аҳолисининг бир қисми мен-дек оддий ишчи аёлга юксак ишонч билдиришди, СССР халқ депутати қилиб сайлаш-ди. Бу мен учун ҳаётимдаги ҳеч қачон унутилмайдиган, энг қувончли воқеалардан бири бўлиб қолади, албатта.

Ташвишлантирадиган томони шуки, депутатлик мандати билан бирга зиммамга жуда катта масъулиятли вазифа юк-ланди. Номзодим кўрсатилган-дан бери кўп нарсаларни ан-глаб етдим. Депутатлик манда-

ти халқ вакилига берилган им-тиёз варақаси эмас, балки давлат аҳамиятига молик, халқ манфаатларига тааллуқли, му-ҳим ва йирик масалалар ечи-мида ҳал қилувчи овоз билан қатнашиш тўғрисидаги ваколат-дир. Бинобарин, ҳамма ҳам бундай масъулиятли вазифани бе-малол уудалаб кетавермайди. Мен шу ҳақда ўйлаганим-да кўп қийинчиликларга дуч келишим мумкинлигини ҳис қиларман.

Қолаверса, ҳозирданок ай-рим муаммоларга эътиборни қаратишга тўғри келаяпти. Сай-ловчилар менга арза ва ши-коятлар билан мурожаат қила бошладилар. Уй-жой таъмино-ти, оналар ва болалар согли-

гини муҳофаза қилиш, шифо-хона ва соғломлаштириш муас-сасаларини қўпайтириш тўғри-сида талаблар кўя бошладил-лар. Таърибсизлигим туфайли бу талаб ва ишталарни ҳал этиш йўл-йўриқларини ҳали яхши билмаслигим ҳам мени ташвишлантиради. Демак, бун-дан буён ўз устимда тинмай ишлашим, снэсий ва ижтимо-ий билимларимни оширишни керак. Бу борада мен СССР халқ депутатларининг бўлажак снэзидига катта умид боғла-моқдман. Уйлайманки, снэзд мен каби ёш депутатларга тў-ғри қўл-йўрик кўрсатувчи, қуч-ғайрат ва далда берувчи ан-жуман бўлади.

• Байрам арафасида ишга тушди •



«Саломатлик»дан бардам бўлиб чиқасиз

ФРУНЗЕ район Саломатини кўчасидаги катта ташландиқ жойга қурилиш материаллари келтири-лаётганини кўриб, аҳоли «Хайрият-эй, бу ерга ҳам қарайдиган одам топилибди» дейишганди. Хаш-паш дегунча ахлатхона ўрнида кўркем бино қад рост-лади. Унинг пештоқида «Саломатлик» соғломлаш-тириш комплекси» деган ёзув пайдо бўлди.

1 Май байрами арафасида комплекс ишга тушди. Бир йўла 32 кишига хизмат кўрсатадиган бу комплексда аёллар ва эркеклар учун алоҳида-алоҳида фин сау-нали умумий бўлимлар, уч-тўрт кишига мўлжалланган чогроқ хоналар мавжуд. Бу ерга ташриф буюрганлар соч-соқол олдиришлари мум-кин. Фрунзе район ошхо-налар трести очиб берган кафетерий эса одамлар хиз-матида.

— Район ижроия комите-тига шу кўчадаги ташландиқ жойга комплекс қуриш ния-тини билдирганимизда биз-ни қўллаб-қувватлашди, — дейди «Саломатлик» коо-ператив комплекс раиси, Улуғ Батан уруши қатнаш-чиси, пенсионер Раҳмат Орипов. — Бунинг устига ҳаммомлар камлик қилаёт-ганини айтишди. Район ма-ҳаллий ҳокимияти раҳ-барларининг гапи бизни руҳлантириб юборди.

Комплекс бир йилга етар-мас ишга тушди. Унда на-фақат район аҳолиси, бал-ки ҳамшаҳарларимиз ҳам мамнун.

— Бизнинг «Йўлдош» шаҳарчамизда ҳаммом ре-монтга турганига анча бўл-ди, — дейди Галина Береж-нова. — Уй шароитига нис-батан бундай ҳаммомда ювинишнинг фарқи катта. Комплекс менга маъқул бўлди. Бир соат ичида бу ерда жуда енгил тортиб, дам олдим.

— Менга хизматчилар-нинг ҳушмуомалалиги-ю, комплекс озодлиги маъқул бўлди, — дейди Қўйлиқда яшовчи Ольга Лобова. — Иш жойим ҳам «Роҳат» кў-ли томонида — узоқ бўли-шига қарамай комплексга қатнайвераман. Нархи ҳам шу типдаги давлат ҳаммом-ларидан унчалик катта фарқ қилмас экан.

Комплексда даволаш муо-лажалари ҳам амалга оши-рилади. Одамлар ихтиёрла-рига кўра буғли, қуруқ ва сувости массажларини қа-бул қиладилар.

— Массаж қабул қилган одам ўзини қайтадан туғил-гандек ҳис қилади, — дей-ди Ўзбекистон травматоло-гия ва ортопедия илмий-текшириш институтининг травматолог-врачи, комплекс-да ўриндошлик вазифасида




ишловчи массажист Рудь-Липатов. — Массаж минг дардга даво. Мен уқалаш йўли билан одамларни се-мизликдан ҳам қайтара ола-ман. Бир ой ичида 10 ки-лограмм ортиқча «юк»дан халос қиламан. Агар ҳаддан зиёд семирб кетганлар ме-нинг маслаҳатимга қўлоқ солишса, бу хил дарддан қийналмайдиган бўладилар.


Комплексда ўзининг кир-ювиш базаси ҳам бор. Бу эса комплексга ташриф бу-йрувчиларни покиза сочиқ, чойшаб билан таъминлаш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, «Саломатлик» комплекси ҳамшаҳарларимизга байрам совғаси бўлди. Комплекс Тошкент тўқимачилик ком-бинати яқинидаги кўчада жойлашган. «Саломатлик»-ка марҳамат!

А. ҒУЛОМОВ.



Комплекснинг ички ва ташқи кўринишлари.
Суратчи А. ЗУФАРОВ.





• Байрам суҳбатлари

М. В. АЗИЗОВ — ОЛМАЛИК МЕБЕЛЬ КОМБИНАТИ ЦЕХ БОШЛИГИ:

— КОЛЛЕКТИВИМИЗ тармоқ корхоналари ичида биринчилардан бўлиб ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи меълаб билан таъминлаш усули асосида ишлаб бошлади. Дастлаб бир мунча машаққатли бўлди. Янги хў-

жалик механизмга дарров кўника олмади. Бироқ бу ўзоққа бормади. Тезда иш мароми яхшилана бошлади. Ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчининг меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги ошди. Бу ўз навбатида мебелсозларнинг меҳнатига бўлган муносабатиди ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Кўп жиҳатдан шу тўғрисида ҳам фаолиятимизда ижобий силжишлар рўй берди. Шартнома мажбуриятлари тўла удаланмоқда. Утган йилги

ва жорий йилнинг биринчи кваттали плани бажарилди. Апрель ойида ҳам графикдан ўзиб ишланди. Коллективимиз қўлидан чиқарган турли уй жиҳозлари, айниқса, «Янтар», «Онега» маркали мебеллар туркумлари харадорларга маъқул бўлмоқда. Кейинги вақтда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган «Минор», «Орзу» деб номланган юмшоқ мебеллар ҳам мағазиналарда туриб қолмапти. Бугун меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунини нишонлар эканмиз ютуқла-

римиз қатори камчиликлариимиз ҳам ҳали кўп эканлигини эсдан чиқармаймиз. Айниқса, сифат бизни тўла қаноатлантирмапти. Бунинг асосий сабаблари моддий-техника таъминотидаги узил-пишлар ва технология жаравини қондаларидан четга чиқаришлардир. Кўпчилик тахталар нам бўлади, уни қуриш учун вақт ва меълаб кетади. Бу ва шунга ўхшаш бошқа нуқсонлар бартараф этилса ишимиз янада юршиб кетади. Хўжалик ҳисоби ҳам бунга ёрдам беради.

• ТЕЛЕПРОГРАММА

1 май, душанба

МЕХНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

© УЗТВ

9.00 «Ўзбекистон дея аталур». Манзарали фильм. 9.25 «Шарқнинг етти гузали». Фильм-концерт («Ўзбектеlevision»). 9.50 Тошкент. В. И. Ленин номи майдон. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунини — 1 Майга бағишланган кўрсатув. Кўрсатув тугагач — «Дилдан кўйлаб, ўйна кунаб». Экранда — Фаргона об-сти.

* * *

12.10 Москва. «Май табассумлари». «Болалар кўйлабдилар ва рақсга тушадилар». 12.40 Москва. Қизил майдон. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунини — 1 Майга бағишланган кўрсатув. 15.00 «Жониворларга ўхшаш қуш». Мультифильм. 15.15 «Бойсунда қорлар эриётганда». Фильм-концерт. 15.40 «Энг жозибали, энг латофатли қиз». Бадий фильм («Мосфильм»). 17.00 «Саҳна ва кино усталари». ЎзССР халқ артисти Г. Азизов. 18.20 «Ассалом, 1 Май!». Музикали-адабий композиция. 19.05 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Ахборот». Меҳнаткаш-

ларнинг Халқаро бирдамлик кунини — 1 Майнинг байрам қилиниши ҳақида репортаж. 21.10 «Киносўҳбатчилар альманахи». 21.30 Москва. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунини — 1 Майнинг байрам қилиниши ҳақида репортаж. 22.15 «Май табассуми». Байрам музикали программаси. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Рассом ҳаётидан икки кун». 20.05 «Осмондан тушган мерос». Бадий фильм («Мосфильм»). **ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:** 21.30 Москва. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунини — 1 Майнинг байрам қилиниши ҳақида репортаж. 22.15 Музикали программа. 23.00 «Тожикистон байрам либосида».

© МТ I

8.30 Янгилыклар. 8.45 «Ширин эртак». Мультифильм. 9.00 СССР Давлат академик симфоник оркестри чалади. 9.20 «Енгок». Телефильм. 9.40 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Феоктистов концерти (Балайк). 10.25 «Янис Рицос». Хўжатли фильм премьераси («ЦНФ»). 10.55 «Нафис кўйлар». И. Штраус (ГДР телевидениеси). 11.40 «Биз ва бизнинг мамлакатимиз». Телевизион хўжатли фильм премьераси

2 май, сешанба

© УЗТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

* * *

10.00 «Олдуз». Киноальманах. 10.50 «Хамрозо». Бадий фильм. 1-серия (Хиндистон). 12.05 Телевизион миниатюралар театри. 13.30 «Диларуза Жабборовна рақсга тушади». Фильм-концерт («Ўзбектеlevision»). 14.00 «Баҳор мушоираси». 14.40 «Хамрозо». Бадий фильм. 2-серия.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун фильм. «Сўзсиз шеврият». 18.30 «Май гуллари». Тошкент шаҳар болалар боғчалари тарбияланувчиларининг чиқиши. 19.00 «Мерос — наследи». Телефильм. 19.15 «Мультипанорама». 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Изланиш давом этади». Телефильм. 20.50 «Қардошлик тароналари». Музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Экранимизда би-

ринчи марта. «Кин-дза-дза». Фантастик кинокомедия. 1-серия («Мосфильм»). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Э. Қаландоров жаз композицияларини ижро этади. 19.45 «Теледау». Хўжатли фильм. 20.00 «Хавт учун хавфли». Бадий фильм («Мосфильм»). **ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:** 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Алла Пугачёва кўшиқлари театри». Концерт.

© МТ I

8.30 Янгилыклар. 8.45 Мультифильмлар: «Орауларнинг рўёбга чиқиши». «Думлар». 9.30 «Кемачалар сузари...». Телевизион хўжатли фильм премьераси (Волгоград). 9.50 Болалар соати (француз тили дарси билан). 10.50 И. Архипова ҳамда СССР Давлат телерадиосининг Н. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чоғу академик оркестрининг кон-

церти. 11.50 Мультифильмлар: «Неаполлик болаклар». «Асфальтдаги излар». 12.25 «Тилла брегет сири» (М. Горький номи киностудия). 1 ва 2-сериялар. Премьера. 14.30 «Тайга репортажи». Телевизион хўжатли фильм. 14.50 «Нептун байрами». Киноальманах («Мосфильм»). «Ленфильм» иштирокида тайёрланган. «Дадамиз Майонез» («Ленфильм»). «Хўж» («Беларусьфильм»). 16.10 СССР Давлат телерадиоси концерти. 16.55 «Сени севман, ҳаёт». Фотокурс. 17.00 П. Чайковский номи концерт залида Польша радиоси ва телевидениеси камер оркестрининг концерти. 18.30 Н. Эрдман. «Ўз жонига қасд қилган киши». Москва академик Сатира театрининг спектакли. Премьера. 21.30 «Время». 22.05 «Олдузди диски». Эстрада программаси. 00.05 Янгилыклар.

© МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал группаси командалари матчи. 2 ва 3-даврлар. Швециядан кўрсатилади

(1 Майдаги такорланади). 10.05 «Ухшамас». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар («Экран»). 12.20 «Қадрдон ўтмиши» туркумидан телевизион хўжатли фильмлар премьераси: «Мэри учун турналар» (Владивосток). «Чонар-даш» (Красноярск). 12.50 «Кўрсатув эфирга кетди». 13.50 «Экспресс» концерт ансамблининг чиқиши. 14.15 «Спорт ҳамма учун». 14.30 Ритмик гимнастика. 15.15 «Цирк артисти Ермолаевлар». Фильм-концерт. 16.00 Реклама. 16.05 «М. Горький номи киностудия таклиф этади...». 17.10 «Хазиналар ороли». Мультифильм. 2-серия. 18.10 «Қунаб яшанг». Бадий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 19.25 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Арабат». 1-тайм. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қуноқ болалик мамлакатидан». Мультифильм. 2-кисм. 20.30 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Арабат». 2-тайм. 21.30 «Время». 22.05 «Унутма, қайрилиб боқ». Телевизион бадий фильм. («Экран»). Премьера.

3 май, чоршанба

© УЗТВ

15.30 «Владимир Висоцкий — киноактёр». Портретга чизгилар. 16.45 «Лайлак учди, ғоз учди». Бадий фильм (А. Довженко номи киностудия). 18.00 Янгилыклар. 18.15 Болалар учун фильмлар: «Комарик», «Ўз юлдузининг топ». 18.50 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Иккинчи истеъдод». Сирдарё области «Қўлқувар» халқ ансамбли ҳақида телеочерк. 19.25 «Хавт бахш этиб». Урта Осиёда сув ресурсларидан рационал фойдаланиш муаммолари ҳақида (рус.). 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Марҳабол». Манзарали фильм. 20.30 «Чанг тароналари». Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Фазилат Шукурова чалади. 20.50 «Арманистон мусибати — ҳамманинг қайғуси». «Ўзгрокстори»нинг Арманистонга элчилари оқибатларини тугатиш борасида кўрсатётган қардошларча ёрдами ҳақида кўрсатув. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Ахборот». 22.35 «Кин-дза-дза». Фантастик

кинокомедия. 2-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Министр бўлмоқчиман». Бадий фильм («Мосфильм»). 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пульс». Информацион кўрсатув. 21.15 «Занданич сири». Телефильм. **ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:** 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Шарқ олдузи». Эрон кўшиқчиси Саттор.

© МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Гардемаринлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия («Мосфильм»). 10.40 Янгилыклар. 10.50 «Нептун байрами». Киноальманах. 11.35 «Дадамиз Майонез». 11.50 «Хўж» («Беларусьфильм»). 12.10 Т. Кирьяки тароналари. Кишинёвдан кўрсатилади. 12.35 «Оламга савҳат». Альманах. 13.30 «Бу бўлган...» бўлигиди. 13.55 «Нима энг қулиқ». Мультифильм. 14.05 Рус ҳар санъати. РСФСР дирижёр-хормейстерлари

аралаш хорининг концерти.

* * *

16.00 Янгилыклар. 16.15 «Қайта қуриш прожектори». 16.25 «Музикали хазина». А. Дворжак. 9-«Славянча рақс» симфонияси. 17.15 «Бардош». Фаргона область матлубот жаҳиятлари союзининг иши ҳақида хўжатли фильм премьераси. 17.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.30 «Тараққий. Ахборот. Реклама». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Сурнай наволари». Қозондан кўрсатилади. 19.50 «Ширин планета». Мультифильм. 19.55 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Гардемаринлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия («Мосфильм»). 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 П. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр учун 1-концерт. 23.05 Ю. Григорович билан интервью. 23.45 «Дунё воқеалари». 24.00 Ришад Шафиев ҳамда «Гунаш» группаси «Дўстларимиз» музикали программасида. Ашхободдан кўрсатилади.

© МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

* * *

Ўқув программаси

* * *

12.05 Р. Шуман. Фортепьяно, скрипка ва виолончель учун фамжор триоси. 12.40 «Унутма, қайрилиб боқ». Телевизион бадий фильм. 14.15 Янгилыклар.

* * *

17.35 Янгилыклар. 17.45 Дўстларимиз экрани. «Шимолдаги район». Ун уч серияли телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар (ЧССР). Премьера. 19.35 Литва ССР Давлат телерадиоси. «Хўжалик ҳисобидидаги республика». Бошқарувининг иқтисодий усулларига қандай ўтти керак. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қуноқ айиқчалар». 1-кисм. 20.45 «Одамга том не даркор?». Хўжатли фильм. Бўш ётган болаҳоналарда квартиралар қуриш тажрибаси ҳақида. 21.20 Владимир шаҳри «Сурзор» ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Дўстларимиз экрани. «Шимолдаги район». Ун уч серияли телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. Премьера. 00.05 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр» — «Динамо» (Москва).



ТОШКЕНТ БАЙРАМ АРАФАСИДА

А. Зуфаров суратга туширган.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

САЙИЛГОҲЛАР СИЗГА МУНТАЗИР

✦ МЕХНАТКАШЛАРНИНГ халқаро бирдамлик кун — 1 Май муносибати билан об-ластимиз шаҳар ва район марказлари, истироҳат боғла-лари, маданият саройларида турли хил тадбирлар уюшти-рилади. Уларда шаҳар, район, умумий овқатланиш ҳамда савдо шохобчаларининг мо-ҳир пазандалари, қўли гул қандолатчилари аҳолига ма-нш хизмат кўрсатиш билан бир қаторда бадний ҳавас-корлик коллективлари юбро-сида ранг-баранг концерт программалари намойиш эти-лади.

ПАРКЕНТ шаҳар боғида парктенглар «Чак-чак», «Ер-ёр», «Дилкушо» ва бошқа бир қатор фольклор коллек-тивлари, «Паркент гуллари» миллий халқ чолгу ансамб-лари чиқишларини томоша қиладилар.

✦ АНГЕН шаҳри меҳнат-наткашлари эса шаҳар мар-казидаги ярмаркалардан тур-ли хил озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари харид қилиш-лари, театрлаштирилган кеча-ларда бевосита иштирок этиш-лари ҳамда «Ўзбекрезино-техника» ишлаб чиқариш бир-лашмасининг стадионидан ўтказиладиган спорт байра-мида қатнашишлари мумкин.

✦ ҒАЛАБА РАЙОНИНИНГ «Ғалабачи» спорт комплекси шу кунларда юзлаб спорт ихлосмандлари билан гавжум бўлади. Бу ерда ҳарбий ва-танпарварлик ва спорт мусо-бакалари ўтказилади.

✦ ЧИРЧИКДАГИ кимёгарлар боғи коллективи шаҳар аҳ-лини шу кун умумий овқат-ланиш ва савдо бошқарма-лари ташаббуси билан уюш-тирилган сайилга тақлиф қилади. Бу ерда шаҳарликлар саноат корхоналари ҳамда кооператив ишчилари тайёр-лаган турли хил буюмлар кўргазмасини томоша қилиб, ўзларига ёққан маҳсулотлар-ни харид қилишлари мумкин. Худди шундай сайиллар чиноз, Бекобод, Олмалик, Оҳангарон, Ғазалкент шаҳар-ларида ҳам ўтказилади.

• Бир шинил ханда

КУЧА-КУЙДА дугоналарим билан учрашиб қолсам, тур-мушга чиқдингми, болалардан нечта, деб сўрашади. Йўқ, чиқмадим, десам, ҳалиям-а... Нима қари қиз бўлиб уйда ўтироқчимсан? Тезроқ тур-мушга чиқмайсанми, деб панд беришади. Баъзилари бўлса, нима қилсан турмушга чиқиб, ақлингни еб қўйганисан, мана менга ўхшаб юравер-майсанми! Ўзимга ҳоң, ўзим-га бекман, жиловим ўзимнинг қўлимда, дейишади.

Шундай пайтларда иккила-ниб қолам. Турмушга чиқ-саммикин ёки шундай юра-версаммикин? Турмушга чиқ-дим ҳам дейлик, хўш, эркак билан бир уйда яшаш яхши-ми? Кимга, қанақа эркакка турмушга чиқиш керак? Бў-лажак эрим ўзимдан катта ёки кичик бўлгани яхшимий? Ўғ-ри, ўн-ўн беш ёш каттасига турмушга чиқсам яхши. У маслахатчим бўлади. Ҳар замонда болалар билан тар-биявий соатлар олиб боради. Ёмон томони шуки, ўн-ўн беш йил ўтгандан кейин у худди бобомга ўхшаб қол-майди! Шу жиҳатдан олганда, ёш бўлгани ҳам яхши Чунки ўзининг кичкина, одам сени ҳурмат қилади, қаттиқ гапира олмайди, айтганинг-айтган, деганинг-деган бўлади. Оилада ҳам сен ҳукмронлик қилсан. Хоҳлаган пайтингда унга иш буюришинг мумкин. Шундай дейману ўттизга ки-риб ўтин бўлган пайтда мендан ёшроғи унинг боши-ни айлантириб олиб кетиб

қолса-чи! Мен сизга айтсам, эркаклар ҳам ҳар хил бўла-ди. Айниқса, ҳозирги кундаги айрим йигитлар аёлларнинг тақинчоқларини тақиб юри-шади. Баъзи бирлар кўзлари-ни ҳам бўйшади. Шундайлар-га тегиб қолсам — борми, кейинчалик менга ҳам лаб-бўёқ олмабсан деб жанжал қилиши турган гап.

ТУРМУШГА ЧИҚАЙМИ, ЙЎҚМИ?

ҲАЖВИЯ

Келишган йигитга тегишни қайси қиз орзу қилмайди, дейсиз! Унинг хусни билан фохрланасиз, кино ва концерт-ларга етаклашиб борганинг-да дугоналарингизга кўз-кўз қиласиз. Бироқ уйингизга дугоналарингизга меҳмон бўлиб келса борми, уларни меҳ-монхонага эрингиз билан ўт-казиб қўйиб, тинчингиз бўл-майди. Ошхонадан уйга қат-наганингиз қатнаган. Эркакнинг қайси касбалигига ҳам ало-ҳида эътибор бериш керак. Дейлик, у такси ҳайдовчиси... Ўзиники бўлмаса ҳам ҳар кун эшигинг тағида машина

тайёр, қаерга боринг келса, тезда бориб келаверасан. Лекин бир ёмон томони бор. Эртадан-кечгача бир газни, бир тормозни босавериб ўр-ганиб қолган оёғи ухлаганда эрталабгача сени уйқусираб тепиб чиқиши мумкин. Агар магазинчига төгсанг рўзгорга харажат қилиб келинг деб тутқазган пулингни «шапкас» қани, деб туради. Эринг боксчи бўлса-чи! Тушида «рингга» чиқиб қолса, бир кечанинг ўзида нокаут бўла-сан. Артиста тегиш ундан ҳам ёмон. Кечаси билан ух-ламайди, ролга кираман деб бақиргани-бақирган. Тушида Дездемонани бўғайламан деб, бўғиб қўйишдан худо сақла-син. Менимча, қасосбага тек-кан яхши. Ҳар кун янги гўшт, янги жигар ейсан, пичоғинг мой устида бўлади. Мабодо жаҳлини чиқариб қўйсанг борми, «оллоху акбар» деб пичоқ тортиб юборса-чи!...

Майли энди, бирортасини танларман. Болам нечта бўл-са экан! Унта дейсизми, қў-йинг-е, бординг ана тўртта бўлсин. Нима! Қолганига ме-нинг ўрнимга туғуруқхонага Сиз бориб келасизми?

Кўрдингизми, бошим жуذا қотиб қолди. Уйда ҳам, кўчада ҳам шу гап: эрга тег эмиш, Тегсам ҳам тентак бўлсам, тегмасам ҳам тентак бўлсам, нима қилай ахир! Бирор мас-лаҳат беролмайсизми?

Бўйи етган қиз ҳасратини оққа кўчирувчи:

Ш. ҒОЗИЕВ.

ТАҚЛИД МЕН ТАЪМАДАН ЙИРОҚМАН

Мен севгига боримни бердим.
Сўрамасман ундан ҳеч нима.
Муҳаббатда гуноҳдир оғир
Ким ишқ учун ишқ қилса таъма.
Мақсуда ЭРҒАШЕВА.
«Мен қузғин бир ожиз яп-роқман» шеъридан

Қолдирмадим ўзга ҳеч вақо.
Ҳади эдим унга борини.
Дадамларнинг дўмбираси-ю,

Акамларнинг ҳатто торини.
Тоғамларнинг қўл соатини
Дегандилар тақиб кўраини.
Олган эдим бир кунга дея
Ўзларидан қандай сўрайин?
У кишига ёқиб қолдир
Шунинг учун қайтармадилар.
Дўмбира-ю торин янгираб
Бирор қўшиқ

айтолмадилар.
Қолдирмадим ўзга ҳеч вақо
Ҳади эдим унга борини.
Айтмасалар айтмасини кўшиқ,
Бошлаб келгум шаҳар хорини.
Ишқ учун ишқ қилмайман даъво,
Хаёлларга борманг ундайин.
Бу замоннинг йигитларини
Севдирмоқлик шунчалар қийин.
Абдуразоқ ОБРҒЕВ.

СПОРТ

СССР ХОККЕЙЧИЛАРИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

● БУГҲН Швеция пойтахти-да хоккей бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатининг сўнгги ўйинлари бўлади. Лекин СССР терма командаси ўтган кунни Канада спортчиларини 3:3 ҳисобида мағлубиятга учратган-ларидан сўнг барвақт чемпи-онлик унвонини қўлга кирит-дилар. Швеция — Чехослова-кия ўйини чех хоккейчилари фойдасига 2:1 ҳисобида туга-ди.

«ПАХТАКОР»

ҒАЛАБАСИ

● ТОШКЕНТЛИК футболчи-лар чемпионатининг навбатдаги учрашувини ўз майдонларида Кемеровонинг «Кузбасс» кол-лективи билан ўтказишди. Бе-шинчи минутда Равшан Муха-дов ҳисобини очди. 20-минутда Миржаалол Қосимов иккинчи, ўйин тушагига бир минут қо-лганда Асад Дўрмонов учинчи тўпни киритди.

Шу турда икки пешқадам — Марказий армия спорт клуби ва «Нистру» командалари мағ-лубиятга учрадилар. Марказий армия спорт клуби футболчи-лари Олмаотада «Қайрат»дан 1:2 ҳисобида, «Нистру» эса Бокунда «Нефтич»дан 1:3 ҳис-обида мағлубиятга учради. Қо-лган ўйинларда қуйдаги нати-жалар қайд этилди: «Геолог» — «Ростсельмаш» — 2:0, «Ди-намо» [Бт] — АСК «Карпати» — 1:1, «Шинник» — «Факел» — 0:1, «Спартак» [Ор] — «Тав-рия» — 1:1, «Кубань» — «Дау-гава» — 1:1, «Металлург» — «Котайк» — 1:0.

[«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сонин 3 майдан чи-қади].

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издаётся на
узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,
32-53-54 хатлар ва ошмавий ишлар бўлини.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОИДА
8, 9 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

СЕВГИ ВА ДЎСТЛИК КУЙЛАРИ

ИЖРО ЭТУВЧИЛАР —

— Халқаро фестиваль лауреатлари, VIII Бутунитти-фоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреатлари: Сарвар ҚОЗИЕВ, Нигмат ҚОСИМОВ, Бахтиёр ҚОБИ-ЛОВ, Ботир ТОШХУЖАЕВ, Игорь МИНИЧ;

— Бутуниттифоқ «ЮРМАЛА-88» телевизион конкур-сининг финалчиси ЮЛДУЗ УСМОНОВА.

БАДИЙ РАҲБАР — Халқаро конкурслар лауреати

ГРИГОРИЯ ПУШЕН.

«ШАРҚ ЛИРИКАСИ»:

НАРГИЗА, ВАГИФ, БАҲОДИР, РАВШАН

ЗОКИРОВЛАР

«БАЙТ» РОК-ГРУППАСИ

САНЖАР КОТТАБЕКОВ, РУСЛАН ШАРИПОВ,
МУРОД ҚУРМОНБЕКОВ, АЛИШЕР КАРИМОВ,
ФАРҲОД ХУЖАЕВ, РУСТАМ ЗОҲИДОВ.
ПРОГРАММАНИ — Бутуниттифоқ конкурсининг лау-реати РИФАТ ИСМОИЛОВ олиб боради.

КОНЦЕРТ РЕЖИССЕРИ — Ўзбекистон ССР да хиз-мат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати АБДУРАШИД РАҲИ-МОВ.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассалари-да соат 14.00 дан бошлаб сотилади.